ПРОПОЛИС - БУ ТАБИИЙ МАҲСУЛОТ

Жўраева Дилдора Рустамовна
ТДАУ Зооинженерия факультети ассистенти
Равшанбеков Диёрбек Ўткирбек ўғли
ТДАУ Зооинженерия факультети талабаси

Прополис (қадимги юнон тилидан таржима қилинганда, "шаҳар атрофи" деган маънони билдиради) - бу асаларилар томонидан табиий бирикмалардан олинадиган, лекин уларнинг организмида қайта ишланиб, ҳосил қилинадиган асалари маҳсулотидир. У аввал ёпишқоқ, кейин аста-секин қаттиқлашадиган, кучли ҳид таратадиган моддадир. Асаларилар томонидан у дезинфекция қилувчи қоришма сифатида, асаларичилар томонидан уядаги барча тешикларни ёпишда, кириш-чиқиш тешигини тартибга солишда, хоначалар тагини дезинфекция қилишда ва бошқа тадбирлар учун фойдаланилади.

Мавсум мобайнида ҳар бир асалари оиласи 100-200 г прополис йиғади. Асалари елими ишлаб чиқарилишини кучайтирувчи махсус мосламалар ёрдамида бу миқдорни икки баравар кўпайтириш мумкин. Прополис йиғиш учун Белла тахтаси деб номланадиган тахта ёрдамида йиғилади. Бу тахта уя ичига, кесиб олинган тахта ўрнига маҳкамланади. Тешик прополис билан тўлган заҳоти тахта чиқариб олинади ва ўрнига янгиси қўйилади. Прополис бу мосламадан ажратиб олинишидан олдин музхонада музлатиб олинади. Бу усул билан мавсум давомида 600 г гача асалари елими олиш мумкин.

Асаларичилик Илмий Текшириш Институтида прополисни асалари уяси холстларидан (каноп мато) олиш усули ишлаб чиқилган. Прополисли холстлар мавсум охирида йиғиб олинади, музлатилади ва музлаб қолган мўрт асалари елими қоқиб ташлаш усулида силкитилиб, идишга туширилади. Кейин турли усуллар билан прополис тозаланади, қадоқланади ва сотувга чиқарилади. Прополисни ажратиб олиш учун оддий мосламалар искана ва пичоқлардан ҳам фойдаланса бўлади. [1]

Прополис таркиби қуйидагилардан иборат:

- ўсимлик шираси (елими) - 40-60%.
- мум - 22-30%.
- ошловчи моддалар - 5-15%.
- эфир мойлари - 8-12%.
- минераллар ва бошқа компонентлар - 5-8%.
- гул чанги - 5-7%.

Прополис таркибида А, С, Е, ва В (B_1, B_2, B_6) витаминлардан ташқари магний, калий, натрий, темир, рух, марганец, мис, кобалт, фосфор олтингугурт, алюминий, хром, селен, кремний, фтор ва бошқалар мавжуд.

Шунингдек, прополис қимматли аминокислоталарга ҳам бой. Инсон организми учун муҳим минераллар орасида прополис таркибида калций устунлик қилади ва таркиби деярли барча эҳтиёжларимизни қоплайди.





Прополиснинг ташқи кўриниши

Прополиснинг дезинфекцияловчи хусусияти тўғрисидаги гапларга қуйидаги факт исбот бўла олади: асалари уясига кириб қолиб, асаларилар чақиб ўлдирган майда жонзотларнинг бутунлай прополис билан қопланган жасадлари чиримайди, парчаланиб кетмайди, аксинча мўмиёланиб қолади - прополис чиритувчи бактериялар ривожланишига йўл қўймайди.

Асаларилар прополисни қаердан олиши ҳақида бир қанча фикрлар ҳам бор. Уларнинг энг кўп тарқалгани, прополис - бу асаларилар организмида қайта ишланган ва уларнинг турли ферментлари ёрдамида хуштаъмга айланган, келиб чиқиши турлича бўлган елимли модда. Прополис тайёрлаш учун ишлатиладиган хом ашё - ўсимликлар куртакларидаги елимли модда, игна баргли ўсимлик (дарахт)лар елими ва мевали дарахтлар ширасидан олинадиган техноген моддалардир. Асаларилар ферментлари билан қайта ишлангандан кейин бу моддаларнинг тузилиши (таркиби) ва хусусиятлари ўзгаради ва прополис ҳосил бўлади. Бироқ бошқа бир олимлар гуруҳи бошқача фикрга эга: прополис асаларилар томонидан амалга ошириладиган гул чангини қисқа вақт давом этадиган ҳазм қилиш давридан кейин қайт қилиб чиқаради деган фикрлар ҳам йўқ эмас. [1]

Махсус адабиётларда ёзилишича, асалари елими жуда кўп дори препаратларидан фарқли ўлароқ, аллергия чақирмайди ва бошқа дори воситалари билан мос тушади. Бироқ прополис жуда фаол модда, шунинг учун уни шифокор билан маслаҳатлашгандан кейин қўллаш лозим. Прополисни фойдали хусусиятларига қарамасдан, ножўя таъсирлари ҳам мавжуд. Прополисни ёки табиий эликсирни қабул қилишдан аввал аллергия йўқлигига ишонч ҳосил қилиш зарур. Аллергия йўқлиги аниқлангач, кичик меъёрларда қабул қилиш тавсия этилади.

Прополиснинг жуда кўп дори препаратлари мавжуд, лекин уларни дорихоналардан ҳамма вақт ҳам топиб бўлмайди. Шунинг учун инсонлар ўзлари халқ табобатидан фойдаланиб, прополисдан уй шароитида муваффаққият билан даволовчи препаратлар тайёрлашади.

Суюқ прополис ишлатиш учун анча қулай. Спирт ва ёғларда у жуда яхши эрийди, шунинг учун бундай эритма - асалари елимининг энг кўп учрайдиган даволовчи шакли ҳисобланади. Сариёғ ва прополис аралашмаси сув ҳаммомига қўйилади ва 1 соат вақт давомида +80°C ҳароратда бир хил масса ҳосил бўлгунча яхшилаб аралаштирилади. Ҳосил бўлган (олинган) прополисли малҳам сузиб олинади ва шаффоф бўлмаган шиша банкачага қуйилади. Прополис препаратларини совитгичда сақлаш лозим. Малҳам бир йилдан ортиқ вақт давомида ўзининг фойдали хусусиятларини сақлайди.

Прополис малҳами бактерицид, вирусларга ва замбуруғларга қарши таъсирга эга. Жароҳат (яра)ларни битиради, қичишга қарши, бадбўй ҳидларни кетказувчи таъсирга эга, тўқималар тикланишини тезлаштиради (кучайтиради). Уни ичиш ҳам, терининг ташқи қисмига ҳам ишлатиш мумкин. Прополис ёғи илиқ сутга аралаштирилиб, 1 ош қошиқдан кунига 3 маҳал овқатдан 1 соат олдин ичилади. Сил (туберкулёз) касаллигида даволаш курси 1,5-2 ой давом этади, 2 ҳафталик танаффусдан кейин даво курси такрорланади. [3]

Хулоса қилиб айтганда, асаларилар томонидан етиштириладиган барча маҳсулотлар фойдалидир. Жумладан, асалари прополиси (елими) табиий қимматли маҳсулотлиги билан амалиётда инсонлар соғлигини тиклашда ва бошқа соҳаларда ҳам кенг қўлланилиб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Александр Очеретний. “Большая инциклопедия пчеловодов”
2. Москва-2017. 18-20 стр.
3. О.С.Тўраев., О.А.Маҳмадияров “Асаларичилик” Токшент 2023. 189-196 бетлар.
4. 3. https://medrossii.ru/about/ Мёд России.

WORDLY
KNOWLEDGE